Бу манзара мени  
оғир ўйлар гирдобига олди.  
Кечагина адиб Саид Аҳмад  
саксон етти ешида оламдан ўтди.  
Гарчи,  
кишининг илк кунлари бўлса-да,  
эхтимол,  
унинг умрида қиш аллақачон  
ўз ҳужминини ўтказиб бўлганди...  
Балким,  
умр йўлдоши латиф шоира  
Сайда Зуннунова оламдан ўтганида  
алиб умрида ҳам  
қиш ҳокимликка ўтгандир...  
Балким,

## Товушсиз

ТОВУШ

юрак

соч-соқоли қордай оқарган дамлар  
унинг дунёсида қиш кезгандир...  
Балким,  
туйғулари, эхтирослари тинганида  
адиб умрида қиш барқарор бўлгандир.  
Балким...  
Деразам ортида ёмғир ёғар эзгин-эзгин.  
Тобора тўлиб борар ўқсик юратим.  
Кўзларимга қириб келар  
олгмиш икки йил яшаб ўтган  
устоз Рауф Парфи.  
Во дарие,  
балки, шоирни шеър изғироби қийнаган.  
Балки, уни илҳом париси хижрон ўтида ёндирган.  
Балки, уни суқунат ўз қабристонига дафн этган.  
Балки, шоирни ўлим соғинчи олиб кетган.  
Балки...

Мен ушбу сағрларни ёзаётганимда  
ташқарида ёмғир  
қорга айланмишга шайланар эди.  
Ўтаётган йил  
кўзим олдида бир-бир  
кино тасмасидай ўтди.  
Бир нечта шеър қоралабман.  
Бир кучоқ китоб ўқибман.  
Таржима дафтаримда япон адабиётидан  
бир қанча шеърлар ўзбекчалаштирибман.  
Эски шеърларимни қайта-қайта ишлабман.  
Ҳаммасини жамласам,  
“Ой япроғи” номли  
янги шеърый китоб тайёрлабман....

Ўтаётган йил  
Ялдо кечасидай жуда узун,  
қиш кунидай жуда қисқа.

## Турсун Али

•

Гуллаётган  
юрак

### ОВОЗИМ КЎЛАНКАСИ

Сен бетобланган кун...  
Тоғлар каби  
оғир ўйлар гирдобига  
гоҳ харсангдек чўқдим,  
гоҳ қалқилим пўқак мисоли.  
Гуллим,  
овозинг ярадор куш.  
Гуё тиланган,  
хирилар овоз.  
Папағда-апағда сўзларни тушунинг оғир.  
Эй нафис, гўзал овоз!  
Қайдасан?!  
Хайқирдим, дунёни тутиб дарағта.  
Денгиздай чайқалдим.  
Синмас бошимни тошларга урдим ноглон.  
Бахайбат ит тирнади руҳимни.  
Қуранг туман кўмили очунни.  
Дилим дунёсин тоғтали қора айнир тўёқлари.  
Ўрмағлади вужудим аро қоракурт.  
Сен бетобланган кун ўйлим,  
тирилдим бежон, берух.  
Эй нафис,  
ифор буйли овоз, қайдасан?!  
Дунёни чулғайди,  
менинг-да мажруҳ овозим.  
Овозим кўланкасида эзилдим,  
узюк эзилдим.

## Товушсиз

•

Товуш

### БОЛАЛИК

У  
ташқарига эшикдан эмас,  
даразадан чиқар отилиб.  
Ичкарига отилиб эшикдан киради.  
У  
ўрик шохиди  
кушдан кўра эркинроқ қилар ҳаракат.  
Қишининг қора совғида яланғош,  
яланғоёқ  
музлаган қорларни синдириб борар.  
Тўлқин-тўлқин сувлар юзиди  
багиқлар ила  
юзишни айлар рақобат.  
Жарлиқларга шервачадай ўзин итқитар ёвқур.  
Қизғалдоқлар очилган томлардан  
сақрар қолпондай.  
У  
жула енгил,  
хаволардан-да енгил.  
У  
боласи, ахир,  
она табиатнинг.



## Турсун Али

• • •

### Гуллаётган юррак

#### ШОВВА<sup>1</sup>

Ховли етагидан катта арик оқар,  
Арик лабида бўйчан тераклар,  
қари тоғлар,  
Димоққа урилар ялпиз бўйлари,  
Сув юзида ўйнар капалаклар,  
сўзанаклар.

Шундоқ,  
пахтазорга туташган жойда  
шовва шовулар.  
Ушда

менинг яланғоч болалигим  
қанча-қанча кулчаларин  
қилар “оқизоқ”.

О, болалигим оғзида  
эриган лаззатли кулчалар,  
ширин кулчалар...

Воҳ,  
қайси кун шоввадан

кулчамни оқизиб кетди арик,  
Ортидан болалигим чоғли Кува-Кувалаб.

Оҳ, ўша-ўша шоввадан  
олислаб кетди болалигим.

... Бугун катта шаҳар четида  
болакай қичқирар

сочлари опшоқ,

“Хей шовва,  
шовважон, қайдасан, шовва...”

Бирок, садо йўқ,  
садо йўқ...

Садо...  
Садо...

<sup>1</sup> Шовва — катта ариқларда қўлбола тўсиқ, тўғонча.



## Янгарган тўйғуллар

Улкан боғ.

Оқ яқтакли боғонин эса,

милтиги йўқ қўлида.

# Турсун Али

## Гулдаётган юррак

### ТЕПАЛИК

Болагитим кечган уйдан сал нарида  
туядай  
дўмтайиб турар тепалик.  
Оҳ, ўшал тепалик  
ортида тенглошим —  
ака-ўка Иброҳим ва  
Магаминнинг уйи бўларди.  
Улар ила дўст,  
нақадар иноқ эди болагитим.  
Тепалик бахш этарди бизарга сурур.  
Ўша кезлар тепалик  
завқ-шавққа тўларди лиммо-лим.  
Тўзал кечар эди қанча кундузар...  
Иброҳим севарди шевритини, севарди жула.  
У севарди  
капагакни, севарди гулларни.  
Севарди кўлдати баликларни.  
Кўшиқ куйлар эди Магамин.  
У куйларди маҳзун, маънос...  
Куйларди...  
Эвоҳ, Турди хола кейинчалик ўғилларин  
ишонмай кўйди еру кўкка.  
Чакириб, бакириб  
тепалик бағридан кетарди юлиб...  
Армиядан телба бўлиб келгач тўнғичи,  
кейингисин  
тулаган бўлса-да хизмат мудлати,  
кайтмагач уйга, ғалати бўлиб қолди Турди хола.

# Товушсиз Товуш

Гоҳ-тоҳ бўларди,  
узун улур эли она бўридай.  
Воҳ, бир оқшом қип-қизил тўшаққа буржаб,  
фожа олиб кетди Иброҳим, Магаминни.  
Ўшанда  
бугун қишлоқ қалқин изтироб уммониди.  
Турди хола  
ўз фарзандларин болта билан чопибди,  
деган ваҳимали  
шивир-шивир юзли қишлоқ узра оғирдан оғир.

Мен, ўша-ўша, болагитимни  
йўқотиб кўйдим.  
Балки, ўшанда тепалик  
бағрига сингиб кетган Болагитим.



## Турсун Али

ЭНДИ ҲАВОТ

### Гуллаётган

юрак

## БОЛА, АСКАР, КЕЛИНЧАК ҲАКИДА ҲИКОВ

Боғалик йилларим...  
Бизнинг тор кўчага  
харбий кийимда,  
кўзлари қоп-қора,  
бугдойранг бир аскар келди.  
У ўғирликка тушган одамдай,  
нетадир чўчиб,  
ийманиб,  
атрофта аланглаб,  
мени имлаб:  
“Биласанми, — деб сўради, —  
Дога опанг уйини?”  
“Кўшимиз Ҳанифа холанинг келини”, —  
дея кўрсатдим зантор дарвозани.  
Шунда аскар юзлари  
қизарди анор каби.  
Чакнаб кўзлари,  
нетадир шивирлаб олди лаблари...  
Сўнг у  
қалтироқ кўзларин  
кўйиб елкамга,  
хат яшириб кўйнимга,  
синик товуш-ла:  
“Бергин, — деди, —  
Дога опангни ёлғиз ўзига”.  
Мен бўлса,  
нималандир Кувониб,  
хатни гулдай авайлаб,  
туғдим Дога опам кўлига.  
У хатни олган дам

72

## Товушсиз

ТОВУШ

КЕСОЛ

Ўқиб,  
кўзларига суртиб,  
йинглади ўқиб-ўқиб.  
Сўнгра кучоқлаб мени,  
ўлиб юзларимдан,  
кўзларимдан,  
сўради овози титраб:  
“У кетдимикин?  
Элгасанми хат ёзиб берсам”, —  
дея кўзларимга тикилиб илтижо ила.  
Ўша кундан мен аскар ақли  
ва чиройли опали бўлиб қолдим.  
Энди ҳар кун  
келинчак опам уйида  
унинг сепларига,  
йўқ, сепларига эмас,  
чаросдай қоп-қора кўзларига,  
қирққоқил сочларига,  
узун-узун киприкларига,  
атгас кўйлақларига боқиб тўймақдим,  
кетмасдим қошидан.  
Бир оқшом,  
чиқмайдиган эсимдан сира,  
яна учратдим мента юлуз берган акамни.  
У мени кучиб, эркалаб,  
“Опангни чақиргин”, — деди-да,  
ўзи бўлса кетди дала томон...  
О, ўша кун улар,  
қари тутлар панасида  
шивирлашди узоқ...  
Ўшанда келинчак опам елкаси,  
нетадир титради дир-дир.

73

Турсун Али  
БЕШДҮВЕТ  
Гуллаётган  
юрак

Кипригита тизилди мунчоқ-мунчоқ ёш.

Мен чиллолмай

келинчақ йиғиларига,  
уларни тарж этиб,  
уйга чоғиб,  
бурканиб олдим кўрпага...

Эрталаб кўз очсам,

Кўшимиз Ханифа холининг  
учар эли ховлимиз узра овози:

“Ер юткур келиним қочибди

шаҳарлик бола билан”, — дея

койирди, қарғарди Лола отамни.

О, ўшанда илг бор

кулоқларим шанғиллаб,

зирқираб кетди юратим.

Илг бор босди вужудимни титроқ,

неташир бурканиб кўрага,

йиғладим узок...

Йиллар ўтди,

бўй чўзим

юксак орзуларнинг беланчагида.

Бирок,

учратмадим бошқа

кўшимиз келинчаги

Лола отамни.



НИЛА НУСРҲТ  
Товушсиз  
Товуш

КЎЛ

Боғалигим ўсган ховли этагида кўл бўларди.

Суви шу қалар сокин,

тиник эдики,

ёз осмонига ўхшаб кетарди.

Кўлнинг қирғовида

энам каби бужайган толлар

лишиг сочларини

сувга чардди.

Кўл ўртақчилиги қаминшзор

хилқатдай чорлаб боғалигимни шовуллар.

Ўша кезлар

мовий кўл бағрига шўнғирди боғалигим.

Кумуш тангаларини кўз-кўз этаётгандай,

кўкка сагчирди ялт этиб бағлиқлар.

О, кўл бўйлаб

бағлиқлар-да сузишарди боғалигим...

... Букун ўшал кўл,

ўшал бағлиқлар йўқ ҳаёт уммониди.

Бирок,

хотиротим кўлида ўшал бағлиқлардай

сузиб юрар ҳамон боғалигим.

Ўқтин-ўқтин

ўшал бағлиқлардай

боғалигим сагчир хотиротим осмонига.

## Турсун Али

### Гуллаётган юрак

#### КАРИ ТОЛ

Деразам ортида ёлғиз кекса тол,  
Ниҳоллик пайтларидан кесилмаган ҳеч,  
Орочлари ўсади ёйилиб,  
Барглари, о, нақадар куюк,  
Мен  
ҳар тал унга тикилсам,  
руҳимнинг шодмонлик қулфлари кетар очилиб,  
У  
шамолларда солланиб,  
еллар нафасида тебраниб ўсар.  
Бу кун,  
кузнинг илк кунинда  
толга тикилсам,  
унинг зантор баргларига  
орабабди сариқ ранг.  
Оҳ, уни кўрдим-у,  
юрагимдан тўкилиди нимадир.  
Билмадим, нимадир...  
Балки, у  
кекса толнинг сарғайган баргларилир...



## Товушсиз

### Товуш

#### КАТТА ЖИЙДА

Болагитим кечган кўча  
Ёқалаб ариқ оқали.  
Ариқ бўйида,  
осмон билан  
сирлашаётгандай  
серпўстлюк,  
серсоя жийда чайқалар...  
Ўрағлар суяларни юттани каби  
жийдани йиллар ямлаб-да кетли.  
... Букун ўша жийдалай  
нуроний манзилга кўчмоқда умрим.  
Узун умрим ичра  
ўша жийдалай  
дарахтни кўрмалдим сира.  
Энди тушларимга  
аждошларим эккан  
Катта жийда кирали.  
О, бунчалар яқин,  
бунчалар олис  
Болагитим дийридаги Азамат жийда.



## Турсун Али

Биринчи каттаб

### Гулдаётган юрак

#### ТУРНАЛАР

Дўрмон боғларида завфарон куз,  
Фалакда турналар ноласи,  
Балки,  
Улар ҳам мен каби юракларин  
ташлагб кетаётдилар.  
Ахир,  
Кува анорзорларига мен юракни қолдириб келганим,  
Оҳ, менинг юрагим,  
анор оғочлари шохда ёрилган меваси каби  
илгиниб-илгиниб қолиб кетган-ку!



## Товушсиэ

### Товуш

#### ЁЛГИЗ ЯПРОҚ

Кеч куз,  
Қаршимда эна тут,  
Қампир юзидати ажинлар  
гўё унинг танасига кўчган,  
Эна тут, эна тут,  
метин шохларида Болагитим ўстан.  
Меваларин қушдай чўқилаб —  
чўқиб еган Болагитим.

Кеч куз,  
Эна тут новдаларида  
сарайтан ёлғиз япроқ,  
Беҳол титрайди,  
шамоллар чанг солар,  
О, эна тут,  
бағридан кўйигиси келмас ёлғиз япроғин.  
Кеч куз,  
Эна тут муңглик онадай  
яланроқ панжаларин  
осмону фалакка чўзиб тикилар,  
ёлғиз япроқ тўлганар,  
ўртанар бетин...

## Турсун Али

### Гуллаётган

юрак

\* \* \*

Кеч куз.

Намозшом.

Ховлида сукунат мулрайди.

Дарахларнинг заъфарон япроқлари

совуқ шамол чангагида титрайди.

Куниниб айвонда —

хассага таянган куйи

контгалаш уфққа тикилар,

соқоли даялаклек опшоқ чоғи.

\* \* \*

Уйимнинг шундоқ ёнида,

кўзим ўнгида —

битматан уй бор.

Унга тикилсам,

ичимдан нималир япроқдай уяилар.

Рухим уйи вайрон —

бузилар.

Ёмғирлар ёғди эзиб деворин.

Хаги уйнинг эшик, деразалари йўқ.

Ховлисиди суви куритган кулук.

Бағрида шамоллар эсади сарин ва аччиқ.

Томи уара не-не қорлар ёғди.

Тунлар уйни маскан этади қоронгулик.

Кундузлар сукунат домига тортиб кетади.

Эй воҳ,

хар гал уйга тикилсам

руҳим уйи кетар бузилиб...

## Товушсиз

### Товуш

\* \* \*

ЖАВЗО, 22, 1994 ЙИЛ

Букун шамол, тўзон учириб кетди  
бизни осмон-фалакка.

Биз шамолу тўзон этагида,

Коп-қора булутлар кўйнида кезлик дарбадар.

У ерларда чакмоқ гуллади.

Ёмғир шаррос куйди

бошимиз узра.

Ў, уша кез

Хумо куши

қанотларига олиб бизларни

ташлаб кетди она заминга.

Энди мен,

Гуллим,

болагарим,

ўшал куш изларин

кўмсаб-кўмсаб яшаймиз сокин,

умидвор.



**Турсун Али**  
БИСМИЛЛА  
Гуллаётган  
юррак

**АТИРГУЛ**

Ховлимда атиргул,  
муаттар бўйлари оқар тўлкинлиниб.  
Бахмал либосла нақашар гўзал.  
Тикилсам тунда мен,  
мудрок туйгуларим кетали жўшиб.  
Атиргул пойига дарёдай оқаман,  
эрка шаббодалай гулни силайман,  
Уламан,  
Кучаман.

Сўнгра бошқа одам бўлиб келаман қадим дунёга.

Эрта тонг.

Шаҳар олар мени бағрига.

Атрофга қарайман турфа хил гуллар.

Бир-биридан гўзал,

бир-биридан анвойи.

О, бўйлари маст қилар.

Билмайман,

қай гулга тикилсам,

эрташар ортимдан масрур.

Гулни узаман-да,

хиллайман димоғим қонгунча.

Кейин-чи,

итқитиб кетаман бешафқат,

шодаси бўзилган дурдай унчуб.

О, бу ширин,

бу аччиқ умрим ичра,

кўрмадим мен не-не гулларни.

**Товушсиз**  
Товуш  
юррак

Қай бирларин севдим,  
ўртандим,  
қуйдим.

Қай бирлари хотирам боғларида кетанлар сўлиб...

Ховлимда атиргул мавжланар кечяю кундуз,

қандай унугай уни?!

Ахир, умрим дарёсига кўшилиб оқар.

Атиргул — умрим гули атиргул.



**Турсун Али**  
БИСМОЛЛА  
Гуллаётган  
юрак

\* \* \* \* \*

Бунча нурсиз Ой?  
Ёниб битган олов юзини  
Кул боستان мисоли хира?

Бир сўз ишқила  
вужудим ёнмоқда, ишон, чирсиллаб,  
Ой бўлса сўниқ кўзларин  
Кайтадир тиккан.

Хей, Ой,  
кел, ёлвораман,  
ёнаётган вужудимдан олтин аланга.  
Сўнг ёрит  
дунёнинг зулмат кечаларини.  
Ёрит,  
нажотта зор  
инсонларнинг қоронғу кулбаларини.  
Ёрит,  
қай бир инсонларнинг кўнгилиларини.  
Эй Ой,  
менинг бир сўз илпинжида  
борлигим ёнмоқда довуллаб, ишон.

**Товушсиз**  
Товуш  
Юрак

\* \* \*

Бол,  
Мирпоўлат Мирзо Хужраси,  
Мен унга яқинлашсам,  
Шеърининг сарин  
Овозин эшитаман.  
Уша овоз олиб кетар мени  
Туркистон кенгликларига.  
Уша овоз қанотларида  
Бутун Туркистон  
Қаър-Қаърига кетаман сингиб.  
Уша овоз,  
қанотлари олиб борар мени пириим,  
Аҳмад Яссавий бошига.  
Уша овоз қанотлари,  
Бошлаб борар,  
Миртемир қолига.  
Эй эзгуликлар сари элгувчи овоз,  
тинмагин кундузлар куйидай.  
Тунлар Ой  
Куйлаётган олпоқ кўшиқдай.  
Токи,  
токи,  
сени,  
тингласин заминну осмон.

## Турсун Али

ENGLISH • UZBEK

### Гуллаётган юрак

#### ВАРРАК

Осмон тўла варрақлар,  
Кани сенинг варрагини?  
Фафур Фулом,

Навбахор шамолидан  
Укам қалбида сурур,  
Тоғма-том елиб варрак учиради.

Шунда менинг  
қалбимда хотиралар уйғонар,  
варрак учирган кезларим эслайман энди ёлғиз.

Бир варрак ясагандим,  
йўқ эди ҳеч мисоли,  
олиб кетди шамоли ипни узиб кўлимдан.  
Тагин ўша варрақдек бир кун замон шамоли,  
оҳ, илк севгини олди қисмаг йўлидан.

Навбахор шамолида варрак учирар Укам,  
ёдимга менинг тушар ўша танқис варрагим.  
Кўз ўнгимдан кетмайди илк муҳаббатим ҳеч,  
варрак учирар Укам,  
ёнар,  
йиғлар юрагим.

## Товушсиэ

### Товуш ўти

\* \* \*

Осмон сукунат кўли...  
Ногоҳ гага қушлардай  
тўғир қора булутлар,  
Ногоҳ,  
мудратан фалакни уйғотиб,  
гулпирайди момақалдиروق.  
Нур қилич-да,  
ёпирилган булутларни нимгалаб,  
югуради чакмоқ...  
Момақалдиروق сэлоси,  
чакмоқ шўъласи — чоққир қиличда  
томир отли менинг кўнглим ҳам!



## Турсун Али

ENGLE • UYUQT

Гуллаётган  
юрак

\* \* \*

Улкан боғ,  
Дарахтлари ям-яшил,  
Учиб келиб олисдан,  
унга кўнар,  
меваларин чўкир,  
турфа хил,  
турфа ранг қушлар.  
Улкан боғ,  
Оқ янтакли боғбонин эса,  
милтиги йўк қўлида.

## ЭРКИНЛИК

*Мурзога*

Тақир йўл,  
Унда бир тулпор,  
еллар каби елиб борар бежиллов,  
Унинг янтроқ тўғқлари остида  
чақнайди чақмоқ,  
Ёлларини тарайди шамоллар,  
У кишнаса,  
тиграб-тиграб уйғонали  
олис-олис тоғлар ҳам.

## ТОВУШСИЗ


ТОВУШ

•

## КАЙФИЯТ

Мен бу кеча ухлогимай бедор,  
ён атрофта қарайман маънос,  
Тун бағрини қуршаган туман,  
унсиз шарпа кезинар ёлғиз.

Мен бу кеча ухлогимасман ҳеч,  
о, юрагим уйи змистон.  
Томиримда ғашлик илони,  
очилмағай кўнгилида бўстон.



**Турсун Али**  
●  
Гуллаётган  
юрак

**ҲАЙЛОВ**

Бу ерда, Ҳайловда, неча-юк неча  
Зантори кўйлақлар кийиб, қанча  
ястаниб ётади яйлов. Шундан кейин  
Бу ерда, Ҳайловда, неча-юк неча  
кундуз-да  
кияди зантори либос. Нега-юк неча  
Хилпиратиб зантори рўмош,  
бу ерда уйноқлар шабода. Шундан  
Агар, Ҳайловда, неча-юк неча  
агар,  
шопир бўлсанг,  
кел, сен ҳам,  
Руҳинг зантор туйғуларга қолади чўмиб...



**ИЛА НУСҚУТ**  
Товушсиз  
Товуш  
●  
Юрак

**\* \* \***

Тун ярмидан олган, оқ доридан,  
хонада ёлғиз аёл.  
На уйку бор кўзларида, ха, дегил  
на-да ҳаловат. Ҳайловда, неча-юк  
Дераздан боқар аёл,  
мўлтираб, Ҳайловда — неча-юк  
жовшираб. Ҳайловда, неча-юк  
Ташқари зим-зиё.  
Кўринмас негашир  
Ой ҳам бу кеча.  
Кўрпага бурканар аёл:  
“Бунча совуқ кўрпа?...”  
Атрофга қарайди.  
Тўрт девор ичра  
кўрар ўзини:  
“Бунча совуқ бу кеча?...”  
Тун ярмидан олган,  
хўрсиниб мўлтирар бир аёл...



**Турсун Али**  
●  
Гуллаётган  
юрак

\* \* \*

Бас, кел, энди хайрлашайлик,  
тинсин чигал ўйлар гирдоби.  
Етар, ахир, шунча жимжитлик,  
огир, ахир, сукут азоби.

Қара, осмон — зулмат бус-бутун,  
бошимизда на юлдуз, на ой.  
Сени олиб кетган фалшор тун  
қалбда қолар мангу, хойнаҳой.

\* \* \*

Бужун кўролмалим сени, паризод,  
кўнли юрагимга андух кушлари.  
Рухмининг осмони қорайди беҳал,  
мени тарк айлади эсу хушларим.

Йиртар вужудимни соғинч тирноғи,  
боққил, борлигимдан сирқирайдир қон.  
Кўзларимга парда тортган қоронғи,  
йўқлик дунёсига кетдимми бежон?



**Товушсиз**  
●  
Товуш

\* \* \*

Осмонимда илондек тўлғонар чақмоқлар,  
кўксимда талотум — момақалдирик.  
Бошим узра  
эшилган ип каби ёғмоқда ёғтир.  
Эй сен,  
мен рад этган, паризод,  
пойингда гулабди йўллар.  
Эҳтимол,  
ич-ташингда барқ урур баҳор?  
Шунданми,  
зангор қалдириғочлар бошингга кўнгай.  
Эй бахт арзандаси,  
юрагим яраси,  
хайҳот,  
менинг кўркам дунёмда  
энди куз  
қовжиратган кўшиғин кўйлар.

**УЧРАШУВДА**

Ўша кеча...  
Нигоҳларимиз кучоқлашди.  
Тилларимиз  
сўзсиз қошида сақлади одоб.  
Бирок лабларимиз  
сўхбат қурди узок  
Муҳаббатнинг эрка тилида...

**Турсун Али**  
●  
ENSILIVDT  
Гуллаётган  
юрак

\* \* \*

Бизни алаштирар тизгинсиз йўллар,  
алаштирар кема бошқарган дарра  
ва кўрошин рангли туман.  
Алаштирар жаннат мисоли боғлар,  
викорли тоғлар.  
Алаштирар фусункор туллар,  
алаштирар Куёш,  
алаштирар Ой.  
Бирок, алаштира сәмон узун соч,  
корақуз қизлар,  
жула ёмон,  
жула оғир алаштира шоирлар.



**Товушсиз**  
●  
Товуш

\* \* \*

Бир кун  
бағрингизга олиб бораман,  
Хей,  
менинг қон ютган анорзорларим.  
Соғинч ўтларида бу кун ёнаман,  
Эй,  
сиз дийдоримга интизорларим.  
Бир кун  
бағрингизга олиб бораман.  
Анорзор боғларим,  
билмайсиз,  
сизлар,  
соғинчда менинг ҳам  
бағрим дахта қон,  
ўзимни отанман тирик ўтларга.  
Бир кун  
кайтмасам, бас,  
безабон,  
бежон,  
Хей,  
менинг қон тошган анорзорларим.  
Куз ёш ила  
қонга тўймаган ердан  
гуркираб,  
ловуллаб ётар анорзор.

**Турсун Али**  
•  
**Гулдаётган**  
юрак

\* \* \*

*Ушуммас мени болым...  
Усмон Носир.*

Шаҳро кўзги юлдузларни мен  
хар оқшом,  
салом, дея қаршилайман.

Тун бўйи  
улар билан сирлашиб,  
толгим-толгим сочларини босиб бағримга,  
ухлаб қоламан.

Тонг саҳар,  
юлдузларнинг "хайр, яхши қол", дея  
шивирлашларидан уйғонаман.  
Яна оқшом кутаман юлдузларни.  
Тонг саҳар кузатиб қоламан.

Бир кун  
юлдузлар билан хайрлашолмай,  
ё саломлашолмай,  
Абдий уйкуга кетсам,  
унутмайдир юлдузлар мени...



## Ўғирилган сатрлар

*Мажнунтол ухлайди эгиб бошини  
Уйламанки, новдасига кўнган бўлди,  
унинг юрасига ўхшайди.*

Турсун Али

Гуллаётган

юррак

### БҮЮК ЯПОН ШОИРИ МАЦУО БАСЁ

Жахон адабиёти муштоз вакилларидан бири Мацуо Басё 1644 йилда Ига провинциясидаги Уэно шаҳар-кўрпона-часида унча бадавлат бўлмаган самурай оиласида учинчи ўғил мақомида дунёга келди. Басё тарыхни болалигиданги Мунэфуса исми ўрнини эгаллаган бўлса-да, буюк шоирни кейинги авлодлар ҳам бемалол танийдиган адабий тахаллусга айланиб кетди.

Умрбод Япония вилоятлари ва шаҳарларини кезиб саяхат қилган Мацуо Басёнинг турмуш тарзи ва ижод йўли бизга яқин бўлган Боборахим Машраб ёки бошқа суфий шоирларимиз тақлидига бир қалар уйғундир. Хуллас, шоир умрбод саяхатчи мақомида дарбадалар ва кўним-сиз яшади, янги ХVIII аср бошида юзлаб дўстлари ва шогирдлари даврасида “Буюк муаллим ва шоир” мақомида вафот этди.

“Хокку” ва “танка” янги жанрларига асос солган Мацуо Басё ихчам ва камтарин шеърларида Япония ва япон халқи бошдан кечирган азоб-уқубатлар ёрқин манзаралар ва қисқа талқинларда тўла-тўқис акс этгани барча замонлар адабиётшунослари ва файласуфлари томонидан эътироф этилган. Шоир ижодий мероси ҳалдан ташқари катта эмас: аввалига устозлари, кейинчалик шогирдлари билан тузган тўпламлар ва мустақил китобларидан иборат. Шеърлардан ташқари “саяхатнома”лар ҳам ёзган. Асарлари дунёнинг юздан зиёд тилларида, жумладан, XX асрда ўзбек тилига ҳам таржима қилинган.

Товушсиз  
Товуш

### БАСЁ БИСОТИДАН

\* \* \*

«Хазон фасли келди!»  
Кўюнимга шипшиди шамол  
шундоққина бағримда ётиб.

\* \* \*

Мажнунтол ухлайди эгиб бошини  
ўйламанки, навдасига кўнган бўлбд,  
унинг юрагига ўхшайди.

\* \* \*

Шунчалар сув совуқ-ки:  
Тўлқинларда чайқалиб-чайқалиб,  
Ухлай олмас чағалай.

\* \* \*

Суви музлаб кечала,  
Қарсиллаб синди кўза.  
Уйғониб кетдим чўчиб.

## Турсун Али

● ЮЗБОТ

Гуллаётган  
юрак

\* \* \*

Шароб тўла қалаҳта,  
Қалдирғочлар, тумшугингиздан  
Лойкесақни тушириб кўйманг.

\* \* \*

Кишининг сўник офтоби.  
Ог устида туриб  
Музлаб қолди қўланкам.

\* \* \*

Мов мушуклар жимиб қолишди.  
Туман кўйинидан боқар  
Етоқхонага ой.

\* \* \*

Совук тушли йўлда тўсатдан,  
Чопонини ечиб олсамми, а,  
Даладаги чўп кўриқчиладан?

## Товушсиз

Товуш

● ЮЗ

### Шоғирдизга

Узоқ юртва кетган, йўловчи,  
Кайттид,   
Нажиб чечакларни кўрсатай сента.

\* \* \*

Қарға, айттид бу ердан  
Ғала-ғовур шаҳарга  
Нега учиб кетарсан?

\* \* \*

Урдак ерта қапишиб олди.  
Қаноглари — кўйлаги билан  
Йилридли яланғоч оёқларини.

\* \* \*

Уйланмоқчи эдим,  
Бирданнига фикримдан қайтдим.  
Тушли келин кўлини ховлига.

## Турсун Али

ВЕНДИ • УЭЛОТ

Гуллаётган  
юрак

### КАВАХИГАСИ ХЭКИГОДО

Асл исми Кавахигаси Хэйгоро бўлган шoir 1874 йилда Эхиме префектурасида, Мауама шаҳрида дунёга келди. “Хайку” ёки “хокку” оламида буюк Сакининг сеvimли шогирди ва вориси бўлиб етишди. Бинобарин, Кавахигаси Хэкиголонинг устози Масаока Саки (1867—1902)нинг ҳақиқий исми Масаока Цунэнори бўлган. Болалиқдан шеърлар ижод қила бошлаган, 1890 йилда Токио уни-верситети Адабиёт факультетига ўқишга кирган эди. Ун-пирма икки ёшида сил касалига мубтало бўлади, шунинг учун ҳам, айтишларича, сайраган чочида томонидан қон оқадиган куш Фуррак маъносидagi “Саки”ни адабий та-ҳаллус тариқасида танлайди. 1892 йилда Токио яқинида-ги Нэгиси кўрғончасига кўчиб ўтиб, ўзини бутунлай хайку ва танка шеъриятини янгилашга бағишлади. Обьек-тив реализм поэтикасининг тамал компоненти бўлмиш “Хэйти борича акс эттириш” (сясэй) тамойилини илг-ри сурган эди. Басё, Бусон ва XIX аср биринчи ярми танка шеърияти шoirлари ижодини янгича тавсифлай туриб, шеърият соҳасидagi кадриятлар қайта кўриб чи-қилиши ва янгиладинишни амалга оширди. Умри охирида тўшақка миҳганиб қолган Масаока Саки шеър ёзишда давом этди, адабий-танқидий мақолалар айтиб ёздирди ва нагурадан одамлар суваратини чизверди. Унинг шаҳси-яти ва ижоди XX аср хайку ва танка шеъриятига улкан таъсир кўрсатди. Ана шундай муvлим шогирди бўлмиш Кавахигаси Хэкигодо “Хайкудagi янги йўналиш”га асос солган шoir бир қанча газета ва журналларда ушбу жанр бўлимдagi раҳбарлик ҳам қилган. Ижодий инқилобга учрагандан кейин шеъриятдан бутунлай йироқлашиб, 1920 йиллардан бошлаб улғу Бусон ижодиётини ўра-нишга киришди. 1959 йилда танқиди адабиётшунос ва файласуф мақомда ёлғизликда вафот этди.

ИГЛА НУСРҲУТ

Товушсиэ

Товушш үт

ХЭБО

### КАВАХИГАСИ ХЭКИГОДО бисотиьдан

«Янги хайкулар» китобидан

\* \* \*

Булбул куйлар.

Водийдан водийга учиблар ўтли

Баҳор суьларининг шиддиьоти ҳам.

\* \* \*

Куэги бўрон.

Бор ёмғирларни ёлдириб,

Кетаверди тагин йўлида.

\* \* \*

Шохчиқар коссасидан

Ташга чиққиси келмас —

Куэ шамолги гуьвиллар.

\* \* \*

Тоғ чўққиси будутлар аро

Суэиб юрар бемалол

Кора кема мисолли.



## Турсун Али

● 1907

### Гуллаётган юрак

Бутун узун тун бўйи,  
Ёзунимча биргина хайку  
Кашта тикли хотиним.

\* \* \*  
Эшиксиз уй —  
Ботқоқликка кўнишди  
Тунаш учун ёввойи фозлар.

\* \* \*  
Картошкани пиширипман,  
Жимжит, сокин Арши аълода  
Йилмоқда чақалоқ...

\* \* \*  
Калин шудрингзор —  
Бугунинг тўшида ёллари  
Хўй бўлибди эрта саҳардан.



## Товушсиз Товуш

● 1907

### ШЕЪРГА АЙЛАНГАН ИЗТИРОБ

Дунёда шундай тоифа борки, улар учун моддий бойлик, кундалик ҳаёт ташвишлари у қадар муҳим эмас. Бир яхши асар ўқиса ёки бир мазнавий озик билан рағбатланса, ўша куннинг савоби етади, ўша юмушнинг чарчоқ ва изтироби чиқиб кетади. Бу — ижод аҳли. Ижодий баркамоллик йўлида моддий дунё ташвишлари шунчаки олдий юмушта айланади. Муҳими, тўхтаб қолмаслик, шеърдан шеърга, китобдан китобга юксалиб бориш.

Шоир Турсун Алининг «Гуллаётган юрак» тўпламини кўлга олиб ўқиб чиққандан сўнг аввалги «Сокин хайкирик», «Ой япроғи» китобларидаги таниш туйғулар эста кетади. Самимий, қалбга яқин аңгламлар доирасида янги тимсоллар, оҳорли ташбехлар билан иш кўриш шоирнинг доимий мағлаби эканини аңглаб етасиз.

«Гуллаётган юрак»нинг мутолаасига киришар экансиз, юксак-юксаклардан шивирлаб, сатрларга беун ёғилаётган юзлдузларни, шоирга ижодий йўлош бўлган Куёш, Ой каби сайёралардаги бепоян чиройини ҳис этасиз.

Шоир даҳшатли фикрлар айтиб, бошинигизни қотиришни, қутилмаган метафоралар билан сизни гангитиб кўйишни истамайди. У олдий ёзди, олдийлик заминнида сизга яқин, таниш туйғулар сатрга чиқади ва сиз томонингиздан бир маҳаллар ҳис қилинган, бироқ у қадар эътибор бермаганингиз, идрок этиб улғурмаганингиз сезимга айланади. Айни ҳолни «Ватан ҳақида санасиз шеърлар», «Кўкчам»га нисбатан айтиш мумкин.

Унсиз товуш овози гуллаётган, гулга қираётган юракдан келади. Уни бежамай, пардозларга бўламай, борича

# Турсун Али

ҲАММА ҲАҚДА

## Гулдаётган

юрак

# Мундарижа

“Тугён” .....	3
Янги кун .....	4

### ТОВУШСИЗ ТОВУШ

Ватан ҳақда санасиз .....	6	Дам олаётган одам .....	23
Шеърлар .....	7	“Тонг саҳарлаб...” .....	23
Кўклам .....	7	“У, ҳаётим...” .....	24
“Бинафша...” .....	8	“Уйқум қочди...” .....	25
“Нозик...” .....	8	“Кўнглим қосасин...” .....	25
“Яшиг дарахтзорларга...” .....	9	Нигоҳим товуши .....	26
“Баҳор...” .....	9	Бемор кеча .....	28
“Субҳидам...” .....	10	Мўшук ҳақида .....	30
“Омонмисан...” .....	10	“Юрагимдан...” .....	30
Хаваскор расомга .....	11	“Йўқ, бу...” .....	30
Ўшайди борлиқ .....	11	“Бу қандай жой...” .....	31
Кўз руҳияти .....	14	“Учгим келди...” .....	31
Шамол кўшигини .....	15	“Сени сифратимдан...” .....	31
тингла .....	15	“Болам, сени...” .....	31
“Ярим тун...” .....	16	“Юрагимнинг...” .....	31
“Тўни билан...” .....	17	Шўълар .....	32
“Ўлим билан ҳаёт...” .....	17	Сўз денгизи .....	34
“Тўкқали...” .....	17	Рассом устахонаси .....	36
“Ой кўксидан...” .....	17	Танҳоликнинг бир юз .....	37
“Чарчаган...” .....	17	биринчи йилда .....	37
“Нигоҳим...” .....	17	Инангу .....	38
“Виланелла” .....	18	“Чирок ўчди...” .....	40
“Ажаб...” .....	19	“Севгим...” .....	40
Нуроний дунё давҳалари .....	20	“Пат мисоли...” .....	40
Товушсиз товуш .....	21	“Эзгиб-эзгиб...” .....	41
“Кўшлар қанотига...” .....	21	“Бир чекада...” .....	41
“Ойнинг...” .....	21	“Жавзо...” .....	41
“Нахотки, овозим...” .....	22	“Ой қуланқасида...” .....	42
“Дағал...” .....	22	Келажакнинг тугилиши .....	43
“Мен...” .....	22	Автопортретта чиқтилар .....	44

“Сени унутдимми...” 45  
 “Юлдуз янглиги...” 45  
 Таъод ..... 46  
 Нотаниш қисмат ..... 47  
 “Нотай...” 49  
 “Бир бора...” 49  
 “Гурлиғаб...” 49  
 “Роса узоқ...” 50  
 “Такдир...” 51  
 “Қапалатим...” 51  
 “Нақадлар...” 51  
 “Севиклигим...” 52  
 “Бизлар учрашлик...” 52

**ОВОЗИМ КЎЛАНКАСИ**

Янглик ..... 54  
 “Ҳайронликда ..... 63  
 Уғабетган даҳза ..... 64  
 Овозим кўланкаси ..... 66  
 Болалик ..... 67  
 Шовва ..... 68  
 Қиш руҳияти ..... 62

**ЯНГАРГАН ТУЙГУЛАР**

Тепалик ..... 70  
 Бола, Асқар, келинчак ..... 72  
 ҳақида ҳикой ..... 72  
 Кўл ..... 75  
 Қари тол ..... 76  
 Катта жийда ..... 77  
 Турналар ..... 78  
 Елгиз япроқ ..... 79  
 “Кеч кўз...” 80  
 “Уйимнинг шундоқ...” 80  
 Жавзо, 22, 1994 йил ..... 81  
 Агиргул ..... 82  
 “Бунча нурсиз Ой...” 84  
 “Боғ...” 85  
 Варрак ..... 86  
 “Осмон сукунат...” 87  
 “Улкан боғ...” 88  
 Эркинлик ..... 88  
 Қайфият ..... 89  
 Яйлов ..... 90  
 “Тун ярмидан...” 91  
 “Бас, кел энди...” 92  
 “Букун кўролмадим...” 92  
 “Осмонимда...” 93  
 Учрашувида ..... 93  
 “Бизни адаштирар...” 94  
 “Бир кун...” 95  
 “Шахло кўзги...” 96

**ЎТИРИЛГАН САТРАР**

Буюк япон шоири ..... 98  
 Малуо БАСЁ ..... 98  
 БАСЁ бисотида ..... 99  
 “Ҳазон фасли...” 99  
 “Мажлунтол...” 99  
 “Шунчалар сув...” 99  
 “Суви музлаб...” 99  
 “Шароб тула...” 100  
 “Кишининг...” 100  
 “Мов мушуклар...” 100  
 “Совуқ тушли...” 100  
 “Узоқ юртта...” 101  
 “Қарға...” 101  
 “Ўрдак...” 101  
 “Уйланмоқчи...” 101  
 Каввахитаси ХЭКИГАДО .. 102  
 Каввахитаси ХЭКИГАДО ..... 103  
 Бисотида ..... 103  
 “Булбул...” 103  
 “Кўзи...” 103  
 “Шоҳчинқар...” 103  
 “Тоғ...” 103  
 “Бутун...” 104  
 “Эшиксиз уй...” 104  
 “Қартошқани...” 104  
 “Қалин...” 104  
 Шерьга айланган...  
 изтироб ..... 105

**ЯПОН НАТЪАЛЛАҲИ**

Япон наътига асос қилиб, 1980-90-йилларда японецларнинг шеърлари ўзбек тилига таржима қилинган. Уларнинг асосий қисми “Япон наътига” китобида келтирилган. Бу китобнинг муҳаррири ва таржумани асос қилиб олишчи Ш. М. Раҳимов.

**Али, Турсун**

**А 49**

Гуллаётган юрак: шеърлар, таржималар / Турсун Али; сўнгсўз муаллифи Х. Болтабоев.—Тошкент, O'zbekiston B 2009.— 112 б.

Чикши маълумотларида муаллиф: Турсун Али (Ўрмонов)

ISBN 978-9943-01-466-4

БК 84 (5)6

**ТУРСУН АЛИ**  
**(ЎРМОНОВ)**

## ГУЛЛАЁТГАН ЮРАК

*Шеърлар, таржималар*

Муҳаррир: *Тўлқин Хайит*

Рассом: *Даврон Ражаб*

Бадий муҳаррир: *Ҳ. Қурмаджов*

Техникавий муҳаррир: *Т. Харитмонова*

Компьютерда саҳифаловчи: *Д. Абжеримова*

Босишта руҳсат этилиши 21.07.2009. Офсет босма усулда босилди.

Бичими 84x108 /т/ Шартли босма табоғи 5,88.

Нашр табоғи 3,05. Адаби 2000. нусха. Буюртма № 09-220.

Баҳоси шартнома асосида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
“O'ZBEKISTON” нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Давла инвентаризация  
07.06.2017  
26.01.2017 ул. СШК